

ГЕРМАНИЯДАГИ ЎЗБЕКЛАР ДИАСПОРАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Жабборова Ойдина Ихтиёржон қизи

Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик йилларида кўплаб ўзбекистонлик ёшлар Германияга ўқиш, ўз малакаларини ошириш, замонавий касб-хунарларни ўрганиш мақсадида борганлари. Германияда ўқиётган, ишлаётган ўзбекларни анъаналарини, маданиятларини ва ўзаро меҳир-оқибатни йўқотмаслик учун ташкил қилинган жамоат ташкилотлари фаолияти ва жамоат ташкилотлари томонидан бугунги кунгача ташкил этилаётган турли хил байрамлар ташкиллаштирилганликлари ёритилган. Шунингдек “Умид” жамғармаси грантлари асосидан Германиянинг нуфузли олий ўқув юртлирида бакалаврият ва магистратуранинг турли йўналиш ва мутахассисликларида замонавий ҳамда эҳтиёж талаб соҳалар бўйича таълим олдиған ёшлар тўғрисида.

Калит сўзлар: «Умид» жамғармаси, “Нихол” ватандошлар жамияти, немис-ўзбек жамияти, "Адабий кўприк", Гумбольдт университети

Мустақиллик йилларида кўплаб ўзбекистонлик ёшлар Германияга ўқиш, ўз малакаларини ошириш, замонавий касб-хунарларни ўрганиш мақсадида бордилар. Уларнинг аксарият қисми ўз тақдири Германия билан боғлашни мақсад қилиб кўядилар. Натижада кейинчалик уларнинг ортидан бошқа кўплаб ёшлар Германияга ўқиш ёки ишлаш учун бориб, у ердаги нуфузли компанияларда етук мутахассислар бўлиб етишганлар. Ўзбекистонлик ёшларнинг Германияга интилишларининг бир қатор сабаблари бор эди.

1997 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда “Умид” жамғармаси грантлари асосида 84 нафар талаба ёшлар Германиянинг нуфузли олий ўқув юртлирида бакалаврият ва магистратуранинг турли йўналиш ва мутахассисликларида замонавий ҳамда эҳтиёж талаб соҳалар бўйича таълим олдилар .

Азиза Содиқова 1998 йилда «Умид» жамғармаси орқали Буюк Британиянинг Бирмингем Қироллик консерваториясига ўқишга жўнаб кетди. Ўқишни муваффақиятли тамомлагандан сўнг Лондон Trinity Laban мусиқа ва рақс консерваториясида таҳсилни давом эттирди. 2008 йилдан буён Азиза Содиқова Берлинда яшаб, ижод қилиб келмоқда. Унинг композициялари Шуман, Гайдн, Брамс ва бошқа классиклар асарлари билан бир қаторда Берлиндаги Элба ва Берлин филармонияси ҳамда Radialsystem Ёдан тортиб, Италиянинг Палермо шаҳридаги Массимо опера театри ва Лондондаги Қироллик Альберт-холлигача – Европанинг энг яхши концерт залларида бўлиб ўтадиған концерт дастурларига киритилган. 2020 йилда Азиза Содиқова Лондондаги Қироллик Альберт-холлида бўлиб ўтган энг машҳур BBC Proms мусиқа фестивалида иштирок этиш учун таклифнома олган дунёнинг энг яхши етти нафар бастакорларидан бири бўлган .

Бонндаги Германия-Ўзбекистон дўстлик жамияти томонидан 2014 йил 25 февралда тадбир ўтказилиб, Германия-Ўзбекистон жамияти бошқаруви аъзоси доктор Захро Зокирова Ўзбекистонда овқатланиш маданияти, маросимлари ва тақиқлари ҳақида гапирди. Ўзбек талабалари ва немис-ўзбек жамиятининг дўстлари одатдаги ўзбек таомларини тайёрладилар .

“Нихол” ватандошлар жамияти фаоли Камолитдин Бедиев фаолиятидаги қийинчиликларга тўхталиб, жамият томонидан Берлин шаҳрининг энг катта

INNOVATIONS IN SCIENCE AND EDUCATION SYSTEM

FEBRUARY 7

<https://ejmr.org/conferences/index.php/eimrc>

кутубхонасидаги залини бир йилга ижарага олишганини, у ерда ҳафтада бир кун ўзбек курслари ташкил қилинганини айтиб ўтган. Шу билан бирга шу каби ўқув курсларида ўзбек тили дарсликларининг етишмаслигини таъкидлаб ўтган .

“Ниҳол” ватандошлар жамиятининг аъзоси Жалол Хўжаев ҳозирда катта лойиҳа устида иш олиб борапти. Олим “2018 йил Президентимиз томонидан “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган. Чора-тадбирларнинг асосий қисми хориж тажрибасини ўрганиш, турли соҳалардаги илғор технологияларни Ўзбекистонга олиб кириш. Германияга Ўзбекистондан жуда кўп ватандошлар келишган. Германиядаги турли компанияларда фаолият қилиб келаётган ёшларда ўзларининг янги ғоялари бор. Бироқ, бу ғояларни Ўзбекистонда тадбиқ қилиш учун маъмурий ёки молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Биз бу муаммолар ҳақида шу йил январь ойида ёшлар иттифоқи вакиллари келишганида муҳокама қилган эдик. Шунда ёш олим ватандошлар иштирокида катта конференция ташкил этиш ҳақида режалар ишлаб чиқдик. Конференцияга 100дан ортиқ Европа давлатларида фаолият олиб бораётган ўзбек ёшларнинг иштироки таъминланади, унда шахсан мен ҳам медицина соҳаси бўйича ўз лойиҳам билан иштирок этаман”- дея таъкидлаб ўтди .

Камолиддин Бедиев 2008-йилдан буён Германиянинг Берлин шаҳрида яшаб келаётган ўзбек ватандошлари орасидаги ташаббускор фаоллардан биридир. У элчихона билан яқин ҳамкорликда Германияда таълим олаётган ва турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ўзбекистонлик ёшлар билан уюштирилаётган барча тадбирларнинг фаол ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Хусусан, у 2019-йилдан буён Берлин Гумбольдт университетида ўзбек тилини ўрганаётган хорижлик ёшлар ва Германияда таҳсил олаётган ўзбек ёшлари ўртасида ташкил қилинган "Адабий кўприк" қўшма лойиҳасининг муаллифидир. Ўзбекистон Ёшлари Умумжаҳон Ассоциациясининг Германия Федератив Республикасидаги вакили сифатида Германияда таҳсил олаётган ва фаолият кўрсатаётган республикамиз ёшлари билан доимий алоқа ўрнатган. Коронавирус пандемияси даврида Камолиддин Бедиевнинг бевосита фаол иштироки ва ташаббуси билан таълим, фан, қишлоқ хўжалиги, коронавирусга қарши кураш каби долзарб мавзуларда бир нечта вебинарлар ташкиллаштирилди . Шунингдек, Фароғат Аннаева ҳам Германиянинг Кёльн шаҳрида 15 йилдан бери истиқомат қилади. Германияда университетни тугатгач, шу ерда ўқитувчи бўлиб фаолият юритиб келмоқда .

Муқумжон Жахоналиев Германиянинг Халле шаҳрида Аусвиндун соҳасида фаолият олиб боради. У 2020 йил Пахтачилик институтини битирган ва қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 1 йилга амалиёт учун Германияга келган ва шу ерда тил ўрганиб Германияда янги фирмага 2020 йил сентябрда ишга кирган. Фирмада 2 ҳафта ўқиш, 5-6 ҳафта иш бўлади. Бу фирмада 2022 йилгача 43 та ўзбеклар ишлади .

Ахмад Хамидов Берлин Гумбольдт университетида доцент лавозимида ишлайди. 1982 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 2002 йил Ирригация ва мелорация институтини тамомлаган. 2015 йил Берлиндаги Гумбольдт университетида қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўйича “Табиий ресурсларни бошқаришда институционал ҳамда замонавий ёндашувда Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаларининг барқарорлигини таъминлаш шартлари мавзусида” докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ҳозирда ушбу университетнинг магистратура талабаларига Ижтимоий экологик тизимларни таҳлил қилишда замонавий услублардан фойдаланиш фанидан дарс беради. Унинг 40 дан

ортиқ мақола ва китоблари чоп этилган. Ҳозирда Германия тадқиқот жамиятининг лойиҳаси доирасида суғорма деҳқончиликда сув энергетика, озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини таъминлаш, баҳолаш Ўзбекистондаги дарёлар мисолида мавзусида илмий иш олиб бормоқда .

Кассел университетининг органик қишлоқ хўжалиги факультетида ўзбек талабалари деҳқончиликни, анъанавий деҳқончилик усуллари ўрнига илғор деҳқончилик усуллари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги касбий маҳоратни ўргандилар. Ўзбекистонлик Касселлик талаба Самандар шундай эслайди: "Мен олган кўникмалар ўз фермерлик бизнесимни бошлашда мустаҳкам пойдевор қўйди. Бу тажриба ҳақиқатан ҳам қишлоқ хўжалигини ҳаётий ишимга айлантириш истагимни кучайтирди."

Бундан ташқари, Германиядаги ўзбекистонлик талабалар инновацион фермерлик бизнесида амалиёт ўташ жараёнида лойиҳаларни бошқариш ва бюджетлаштириш ҳақида билиб олганликлари ҳақида хабар беришди. Масалан, ўзбекистонлик талаба Азиз, шундай эслайди: "Университет талабаси сифатида мен корхона/лойиҳа лойиҳаларини бошқариш бўйича курсларни ўташим мумкин эди. Лойиҳани бошқариш курси менга фермерлик бизнесимни қандай ташкил қилишни ва фермани бошқариш учун бюджетни аниқ режалаштиришни ўрганишга ёрдам берди. Самарали ва яхши тасдиқланган деҳқончилик кўникмаларига эга бўлиш афзаллик эди" .

Германияда илм олиб, муваффақиятга эришиб келаётган ватандошлардан яна бири тарихчи, ўқитувчи ва тадбиркор Анварь Шерматовдир. У ўз тадбиркорлик фаолияти билан бирга жамоатчилк ишларида ҳам фаол қатнашиб келади. Ватандошлар билан биргаликда Германиядаги элчихонамиз билан маслаҳатлашган ҳолда «Давра» ўзбек-олмон жамиятини ташкил қилишда ҳам ташаббускорлардан бири бўлган.

Германиядаги ўзбек (туркистонлик) диаспораси мустақиллик йилларида ўз миллий маданияти, урф-одатларини сақлаб қолиш билан бирга Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун ўз ҳиссасини қўшиб келаётган уюшма сифатида намоён бўлди.

Адабиётлар:

1. Раҳмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (бакалавриятнинг тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро, 2015. – Б.116.
2. Раҳмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (бакалавриятнинг тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро, 2015. – Б.116.
3. Қизларнинг сағирхонаси керак //Бухоро ахбори. 158-сон. 1923 йил 18 апрел.
4. Раҳмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (бакалавриятнинг тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро, 2015. – Б.117.
5. Азизов М. Шаҳрисабзда илк "усули жадид" мактабини ким очган? / <https://qashqadaryozg.uz/read/sha-risabzda-ilk-usuli-zhadid-maktabini-kim-ochgan>
6. Ирзаев Б. Германия таълимини олиб қатагонга учраган жадидлар - Биринчи ўзбек агрономи Абдувахоб Муродий O'zbekiston // <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-53638773>
7. Умид Бекмуҳаммад. Жасоратли Қодирий // <https://www.e-adabiyot.uz/maqola/768>